Узбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларнинг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**27.05.2022 даги**

**"RUSTAM BLUDINGS" МЧЖ ва Гулистон шахар хокимлиги ўртасида 435000000,00 сўм умумий суммага тузилган 9 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 018

Шахсий ғазна ҳисобварақ 401722860244017011204018009

сўмда

| **2022 й. ойлар номи.** | **Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)** | | | **Жами** |
|---|---|---|---|---|
| | **4232100** | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | 435 000 000,00 | | | 435 000 000,00 |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **435 000 000,00** | | | **435 000 000,00** |

Жами 435000000,00 сўм Тўрт юз ўттиз беш миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 130500000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномаларн бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи рахбари ________ (имзо) Дадабаев Тўлқинжон Тулянович
Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ________ (имзо) Ташметов Дилшод Рахимкулович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ________ (имзо)

«___» ________________ 20___ й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ________ (имзо)

«___» ________________ 20___ й.

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 9

27 май 2022 йил                                                                 Гулистон ш.

Кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Сирдарё вилояти Гулистон шахар Хокимияти** номидан ***Низом*** асосида иш кўрувчи Гулистон шахар Хокими уринбосари Ғ.Ботиров бир томондан ва **"RUSTAM BLUDINGS" МЧЖ** кейинги уринда "*Пудратчи*" деб юритиладиган номидан ***Низом*** асосида иш кўрувчи корхона рахбари ***Р.Мирмахмудов*** иккинчи томондан **"Сирдарё вилояти Гулистон шахар Обод юрт МФЙ худудида барпо этилган умумий ёгокхона биносини жорий таъмирлаш** ишлари бўйича пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қулланилади:

**Жорий таъмирланадиган объектни** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

## II. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Сирдарё вилояти Гулистон шахар Обод юрт МФЙ худудида барпо этилган умумий ётоқхона биносини жорий таъмирлаш лойихада кўзда тутилган** объектни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, Гулистон шахар хокимлигининг 2022 йил 25 майдаги № 86703 сонли лот раками билан тузилган баённомага асоасан НДС билан **435 000 000** (турт юз уттиз беш миллион) сўм бўлиб, **Сирдарё вилояти Гулистон шахар хокимлиги** ва "RUSTAM BLUDINGS" МЧЖ ларнинг ўзаро келишув битимига асосан барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимда назарда тутилган ишларини бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва мудатларда ўзининг кучлари (бош пудрадчи ташкилотининг иш хажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Жорий таъмирлаш жараёнида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларининг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура- қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

7. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Томонларнинг келишувига мувофик курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **15** кунни ташкил этади

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу ***130 000 000 (бир юз ўттиз миллион)*** сўмни ташкил этади

10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолиниши хисобга олган холда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоиз миқдорида амалга оширилади.

11. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

12. Буюртамчи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тулашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

13. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назорати амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

14. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

15. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни хал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

16. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва қурилиш қийматини купайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

## IX . ИШЛАРНИ ҚУРИҚЛАШ

17. Пудратчи ишлар бошланишидан жорий таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар объектни зарур даражада қуриқланиши таъминлайди.

18. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X . ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ .

19. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этадилар.
Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

20. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервапция қилиш учун қандай чоралар курилишини мухокама қиладилар.

21. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## XI . КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ.

22. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

23. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўгрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

24. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5** кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

25. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

26. Пудратчи: Барча ишлар тулиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиха хужжатларига хамда жорий таъмирлау меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан жорий таъмирлаш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилаган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

27. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши туганланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

28. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммаси Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

29 Буюртмачи Пудратчи томомнидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар хажмини инвестордан маблағ келиб тушгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни кафолатлайди.

## XIII. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ

30. Буюртмачи шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

31. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб хуқуқига эга.

32. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

33. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

34. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

35. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасино.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

36. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон; иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

37. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

38. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

39. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди., бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказилиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

40. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатарига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Даврархитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **0,4** фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

41. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

42. Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнининг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Сирдарё вилояти хужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI АЛОХИДА ШАРТЛАР

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

45. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

46. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга хақлидир.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва шарнтома Ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан утказилган кундан кучга киради, 2022 йил 31 декабргача амал килади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

Сирдарё вилояти Гулистон шахар хокимлиги
Манзил _Гулистон шахри И.Каримов кучаси 35 уй
тел +99867-225-46-10 факс 225-46-10
СТИР 200322685 ОКОНХ 97600
ш/х 100022860244017011204018004
МБ Тошкент ш. ББ ХККМ.
Гулистон шахар. Газначилик бошкармаси
х/р 23402000300100001010 МФО 00014
ИНН 201122919

**Ғ.Ботиров** МП

ПУДРАТЧИ :

**"RUSTAM BLUDINGS" МЧЖ**
Манзил: Гулистон шахар Андижон кучаси 39 уй
Тел. +99897-717-00-79
х/р 20 208 000 300 935 376 001
АТБ «Микракредитбанк» Сирдарё вилоят филиали
МФО 00366 ИНН 305 820 313 ОКОНХ 42130

**Р.Мирмахмудов** МП

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 86703 на приобретение Услуга по текущему ремонту зданий

Способ проведения электронный

Дата 25.05.2022

Время рассмотрения 25.05.2022 11:03

Конкурсная комиссия Гулистон шахар Хокимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TASHMETOV DILSHOD RAXIMKULOVICH | Предцедатель комиссии | Предцедатель комиссии |
| **Секретарь комиссии** | KAYUMOV BEKZOD BAZARBAYEVICH | Секретарь комисси | Секретарь комисси |
| **Член комиссии** | MURATOV BAXODIR IBRAGIMOVICH | Член комиссии | Член комиссии |
| **Член комиссии** | NURIDDINOV ELDOR QODIRALIYEVICH | Член комиссии | Член комиссии |
| **Член комиссии** | QUVATOV ABDULRAZOQ SHERXANOVICH | Член комиссии | Член комиссии |
| **Член комиссии** | ERGASHEV XAMIDULLO RAXMATULLAYEVICH | Член комиссии | Член комиссии |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.05.2022 года № лота 86703.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту зданий** |
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту зданий |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 450 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 450 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мавжуд техникалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси ўзининг мавжуд техникалари ҳақида маълумот беради

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 20 | 25 | 17 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 20 | 25 | 17 | Экспертная | | |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 20 | техникалар маълумот | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Ишчилар сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчисининг ишчилари 20 кишидан кам булмаслиги керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 20 | 20 | 17 | Экспертная | | |
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 20 | 10 | 17 | Экспертная | | |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 20 | маълумот | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ташкилий тузулмаси ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси ўзининг ташкилий тузулмаси рахбар шахсини тасдиқловчи хужжат (асл нусха) тақдим қилади

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 20 | 22 | 17 | Экспертная | | |
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 20 | 20 | 17 | Экспертная | | |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 20 | маълумот | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Олдин бажарилган ишлар тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси олдин бажарилган ишлар тўғрисида маълумотнома тақдим қилади

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 20 | 21 | 17 | Экспертная | | |
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 20 | 10 | 17 | Экспертная | | |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 20 | маълумот | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси ишларни ўз вақтида бажаришга кафолат хати тақдим қилиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 20 | 21 | 17 | Экспертная | | |
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 20 | 10 | 17 | Экспертная | | |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 20 | кафолат хати | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 450 000 000.00 | 450 000 000.00 | 24.05.2022 15:29:23 | 9.67 |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 450 000 000.00 | 435 000 000.00 | 24.05.2022 19:17:55 | 10.00 |
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 450 000 000.00 | 450 000 000.00 | 24.05.2022 18:24:10 | 9.67 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| "Jizzax polimer plast" МЧЖ | 76.5 | 9.67 | 86.17 |
| ООО RUSTAM BUILDINGS | 89.1 | 10 | 99.1 |
| ООО "Bekzod Muhammadali" | 76.5 | 9.67 | 86.17 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 86703 от 25.05.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту зданий определила победителем:

ООО RUSTAM BUILDINGS
305820313

и резервный исполнитель: "Jizzax polimer plast" МЧЖ (204222356)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TASHMETOV DILSHOD RAXIMKULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | QUVATOV ABDULRAZOQ SHERXANOVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | MURATOV BAXODIR IBRAGIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURIDDINOV ELDOR QODIRALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ERGASHEV XAMIDULLO RAXMATULLAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**Молиялаштириш жадвали**
**Гулистон шаҳар "Обод юрт" МФЙ ҳудудида барпо этилган умумий ётоқхона биносини жорий таъмирлаш**
**Пудратчи ташкилот "RUSTAM BULDINGS" МЧЖ**
**Шартнома қиймати 435 000 000 сўм**

| № | Номи | Молиялаштириш жадвали | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2022 йил | шундан | |
| | | | май | июн |
| 1 | Аванс 30% асосий материаллар учун | 130 000 000 | 130 000 000 | |
| 2 | 70% асосий материаллар ва жихозлар учун | 305 000 000 | 305 000 000 | |
| **жами** | | **435 000 000** | **435 000 000** | |

**Буюртмачи** **Пудратчи**

**Гулистон шаҳар "Обод юрт" МФЙ ҳудудида барпо этилган умумий ётоқхона биносини жорий таъмирлаш**
**Ишларни бажариш жадвали**
**Пудратчи ташкилот "RUSTAM BULDINGS" МЧЖ**
**Шартнома қиймати 435 000 000 сўм**

| № | Ишлар тури ва номи | Бажариш ойи | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2022 йил | | |
| | | | май | июн |
| 1 | Умумий жорий таъмирлаш ишлари | 378 260 870 | 378 260 870 | |
| 2 | ҚҚС билан | 56 739 130 | 56 739 130 | |
| **жами** | | **435 000 000** | **435 000 000** | |

**Буюртмачи** **Пудратчи**